



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqra boshlagan

## МОХИЯТ

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган яна бир йўналиш — мамлакатимиздаги маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини мустахкамлаш бўйича қабул қилинган амалий чоралар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислом КАРИМОВ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрел куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг муҳим аҳамиятга эга йўналишлари бўйича БМТ билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлади.

— Сизнинг минтақамиз давлатлари, жумладан, Ўзбекистонга ташрифини муҳим аҳамиятга эга йўналишлари бўйича БМТнинг Марказий Осиёга катта эътиборидан далolat, деб биламиз. Бу ташриф барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, изчил ривожланиш, сув-энергетика, минерал-хомашё ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда минтақамиз халқларини ташвишга солаётган қишлоқ кўлаб масалаларни муҳофама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги умумий масалаларни ҳал этиш доирасида Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда ишлашдан мамнунман. Орол денгизини қуриб, бу фалокатнинг бутун минтақа аҳолисида кечираётган офатни тасаввур қилишнинг ўзи оғир. Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидagi расислигини юксак баҳолайман. Бу, шубҳасиз, тинчлик, барқарорликни таъминлаш ҳамда минтақавий ва халқаро ривожланишга доир кўлаб долзарб масалаларни ҳал этишда гоят муҳим аҳамиятга эга, — деб қайд этди БМТ раҳбари.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги доирасида ҳозирги хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, Орол

денгизи ҳалокати оқибатларини енгилаштириш масалалари, шунингдек, замонавий халқаро муносабатларнинг бошқа кўлаб йўналишлари долзарб вазифалар сифатида белгиланган. Мамлакатимиз қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгартириш ва БМТнинг Афғонистоннинг иқтисодий-иқтисодий тиклаш бўйича турли дастурларини амалга оширишда самарали ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига расислик қилаётган Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси билан БМТ Бош ассамблеяси ўтган йилнинг декабр ойида БМТ ва ШХТнинг ҳамкорлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди. Бундай нуфузли халқаро ташкилотларнинг улкан тажриба ва салоҳиятини самарали тарзда бирлаштириш халқаро минтақавий хавфсизликни таъминлашда янги истиқболлар очилишига хизмат қилади.

Оқсаройдаги учрашувда Пан Ги Мун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, БМТ Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада мустахкамлашдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади. БМТ Бош қотиби давлатимиз раҳбарининг минтақавий ва халқаро ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этиш борасидаги изчил ва самарали ёндашувига юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг учрашуви якунида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўша декларация имзоланди.

(Ў.А.)

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун 4-5 апрел кунлари мамлакатимизда бўлди.

## БМТ БОШ ҚОТИБИНИНГ ТАШРИФИ

БМТ Бош қотиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдирот маросимида иштирок этди.

Президент Ислом Каримов раҳнаомлигида минтақадa экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳалокат оқибатларини енгилаштириш, аҳоли саломатлигини мустахкамлаш ва иқтисодий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилатган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бермоқда. Табиий муҳитни ҳимоя қилишга, биохилма-хилликни тиклашга йўналтирилган кенг қўламли чоралар кўриломоқда.

Тақдирот маросимида минтақадaги

экологик вазият ҳақида батафсил маълумот берилди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Оролбўйидаги экологик вазият билан танишди.

— Минтақадaги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳоли ўта мураккаб эканлиги амин бўлдим, — деди Пан Ги Мун. — Бу бутун инсониятни оғоҳликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадaги барча давлатлар ҳамжihatлиқда ҳал этиши лозим.

БМТ Бош қотиби Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди.

(Ў.А.)

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

БМТ Бош қотиби Пан Ги Муннинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 5 апрел куни Оқсаройда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўша декларация имзоланди.

Ҳужжатни имзолаш маросимидан сўнг БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун оммавий ахборот воситалари вакиллари учун қисқача баёнот берди. Қуйида ана шу баёнот матни эълон қилинмоқда:

Жаноби Олийлари, Ишончим комилки, ҳозирги замонда ўз-ўзидан ечиладиган ёки БМТга аъзо муайян давлатнинг ёлғиз ўзи ҳал эта оладиган бирон-бир масала йўқ.

Бунда терроризм, наркотиклар ноқонуний айланиши каби таҳдидларни, шунингдек, иқлим ўзгариши, табиий офатларни бартараф этиш учун коллектив ёндашув талаб этилади, бу айниқса минтақавий даражада муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли мен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлигини мустахкамлаш бора-

сида иш олиб бормоқдаман.

Бу БМТнинг асосий принциплари сирасига ҳам кирилади.

БМТ Низомида барча қитъаларда инқирозларни бартараф этиш, уларни бошқариш ва ҳал қилиш учун минтақавий ташкилотлар билан БМТ ҳамкорлиқда иш олиб борадиган шароит яратилиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда биз узок йиллардан буён амал қилиб келинган ушбу ёндашувни янада мустахкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз ва бу XXI асрда ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

БМТ ва ШХТ Котибиятла-

ри ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация Бош ассамблеянинг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги резолюциясига асосан имзоланди. БМТнинг қатор бўлимлари, хусусан, Осиё ва Тинч океани бўйича иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, шунингдек, табиийлик, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ШХТ билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши умумий манфаатни ифода этадиган соҳалар, жумладан, низоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, терроризмга қарши курашиш, оммавий қиргин қуролларни тарқатмаслик, барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш, атроф-муҳит емирилиши муаммоларини ҳал этиш каби кўлаб соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Биз, БМТ Котибиятида, ШХТ билан мулоқотни давом эттириш ва ҳамкорлигимизни янада мустахкамлаш ниятдамыз. Эътиборингиз учун ташаккур.



## Болалар спорти ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнаомлигида болалар спортини ривожлантиришга, хусусан, қизларнинг спортга кенг жалб этиш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада бадий гимнастика ва спорт гимнастикасининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам болалар спортини ривожлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Утган йиллар давомида 100 дан ортиқ болалар спортини иншооти барпо этилгани бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилаётганидан дарак беради.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида вилоятда кейинги ўн йилда спортнинг турли

Суратда: Спорт мактабининг бадий гимнастикачилари (чапдан) Дибра Мелибоева, Рушена Фаёзова, Гулнора Эгамбердиева ва Мадина Фазлитдинова.

йўналишлари бўйича 30 нафардан ортиқ жаҳон чемпиони етишиб чиқди. Жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга қаратилган эътибор туфайли белбоғли кураш, енги атлетика, таэквондо каби спорт турлари билан шуғулланаётган ёшлар сафи анча кенгайди. Қизлар ўртасида бадий гимнастика тобора оммалашиб бормоқда.

Фарғона шаҳридаги ихтисослаштирилган олимпик захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабидa ушбу нафис спорт турини ривожлантириш, унга қизларни жалб этишга қаратилган эътибор ўз самарасини бераётди. Бу ерда бадий ва спорт гимнастикаси билан мунтазам шуғулланиш учун барча шарт-шароит яратилган.

Мукимжон ҚОДИРОВ (Ў.А.) олган сурат

## Хабар

### Муҳим вазифалар белгиланди

Андижон вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д. Жаҳонгирова сўзга чиқиб, мамлакатимиз 2010 йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш борасида қасаба уюшмалари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил тўхтади.

Жаҳон молиявий инқирози шароитида инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш, етакчи базавий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, транспорт ва инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга эга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишда қасаба уюшмалари фаол иштирок этиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

### «Водий ипаги» деб ном олган Наманган аврли газламалар комбинати давлатимиз томонидан берилган ёрдам туфайли қайтадан оёққа турди. Эндиликда корхона маҳсулоти савдо тармоқларимиз пештахталарини беэамоқда.



— Президентимиз томонидан иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар туфайли корхонани қайтадан оёққа тургазиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлдик. Натижада, жаҳон бозорида етти хил рангдаги ўзбек атласи яна пайдо бўлди ва бу соҳада ўзининг муносиби ўрнини тобора мустахкамроқ эгаллаб бормоқда. Давлат томонидан ажратилган кредит ҳисобига ўтган йилда 300

## Наманган атласи



миллион сўмни ташкил этди. Бу йил ишлаб чиқаришни янада юксалтиришни кўзлаб Янония, Эрон, Туркия, Бирлашган Араб Амирликларидаги фирмалар билан музокаралар олиб бориломоқда. Цехларимиз янги ускуналар билан жиҳозланаёпти. Йиғириш ва бўёш цехларимиз модернизация қилинаёпти. Бу эса йилга бир миллион погонметргача шойи ишлаб чиқариш имконини беради. Корхонада қўзланган режаларни муваффақиятли амалга ошириш чоралари кўриляпти.

## Модернизациялаш самараси

Шу мақсадда «Пиканол» (Белгия) ва Россиядаги станоксозлик корхоналаридан мутахассислар таклиф этилди. Миллий банк бу йўналишдаги ишлар учун зарур маблағни ажратди.

Наманган шаҳри, шунингдек, Уйчи, Наманган, Тўрақўрғон туманларида яшовчи ёшлар жамоа асоси-

ни ташкил этади. Уларни ишга келтириш ва ишдан сўнг уйларига етказиб қўйиш учун 10 та автобус ажратилган. Барча шарт-шароит муҳайё этилган. Тушликда ва иккинчи сме-нада ишловчилар учун бепул иссиқ овқат тайёрлаб берилди. Ишчиларнинг фарзандлари учун ҳам алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ишончимиз комилки, Наманган атласининг довури яна қайта тикланиб, хотин-қизларимиз эғнида калмадек товланади.

Авлохон МАДРАХИМОВ, «Водий ипаги» хиссадорлик жамияти раиси, Наманган

## Янги кун янгиликлари

Тошкент шаҳри. Президент ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Қонунлар ижроси мониторинги: назария ва амалиёт масалалари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда қонун ҳужжатларининг амалий ижроси билан боғлиқ муаммолар депутатлар, Сенат аъзолари, ижро этувчи ҳокимият вакиллари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатра, нодавлат нотариот ташкилотлари масуул ходимлари ва кенг жамоатчилик иштирокида илмий-амалий муҳокама қилиниб, бу борада тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎзФаннинг Фалсафа ва ҳуқуқ институти, «Ёш олимлар» кенгаши ва бирлашган қасаба уюшма кўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Барқамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, валеологик ва иқтисодий масалалари» мавзусида илмий-амалий конференциясига ўтказилди.

Унда ёш олимларнинг фанга қўшаётган улуши ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида фикр юритилди. Сўнгра конференцияга илмий мақолалар тақдим қилган муаллифлар турли номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар ҳамда рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди.

Андижон вилояти. Олтинқўл туман «Матлуботсавдо» ОАЖга қарашли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехга Россиядаги «Виникс» фирмасининг ХЭП-500 русумли янги замонавий дастгоҳи ўрнатилди. Мазкур технология бир суткада 2 тонна, бир ойда эса 50 тонна урни қайта ишлайди. Шунингдек, маҳсулот тури 8 тага етади. Цех ишга тушгач, 5 та янги иш ўрни вужудга келди. Ишлаб чиқарилаётган сифатли нон ва нон маҳсулотлари тумандаги 30 дан ортиқ савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Қашқадарё вилояти. Қаршидаги Ёшлар марказида «Барқамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Аждодлар мероси — қолжақ пойдевори» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Вилоятдаги умумтаълим мактабларининг 5-9 синф ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган Беллашувда Қамаш туманидаги Амир Темура жамоаси ғолиб бўлди. Китоб туманининг «Кифтиоб», Қарши шаҳрининг «Насаф» жамоалари ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди.

Фарғона вилояти. Тошлоқ туманидаги «Асп Шамс Юлдузи» Балқиччилик хўжалиги 2,5 гектар майдонни эгаллаган сув ҳавзасида фаолият юритмоқда. Бундан икки йил аввал фермер хўжалиги раҳбари Жасур Шерматов қўшни вилоятларда бир мuddат бўлиб, уларнинг маслаҳат ва тавсиялари билан иш бошлаб юборганди. Натижа ёмон бўлмади. Утган йили халқимиз дастурхонига 12 тоннадан зиёд балқич маҳсулоти етказиб берилди. Маҳсулотлар асосан мактабгача таълим муассасалари, шифохоналарга тарқатилиб, қолган қисми деҳқон бозорларига сотувга чиқариляпти.

Хўжалик аъзолари бу йилги мавсумда эл дастурхонига 15 тонна балқич маҳсулотларини етказиб бериш ниятида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Сирдарё вилояти. Сардоба туманидаги «Пахтабод» пахта тозалаш корхонаси ва Бобур номидаги паррандачиликка ихтисослашган хиссадорлик жамиятида қасаначилик асосида 208 та янги иш ўрни яратилди. Яқинда туманда ўтказилган «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркасида эса 500 га яқин фуқаро иш билан таъминланди. Барқамол авлод йилида ҳудудда уч мингта янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Долзарб мавзуда суҳбат

Мамлакатимиз дунёни куткуга солган молиявий-иқтисодий инкироз таҳдиддан қутулиш йўлидан борапти. Энг муҳими, бу жараённинг сокин ўтишига барча бирдек ҳисса қўшишга чоғланган. Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Мирзо Хайитов билан суҳбатимиз ҳам шу ҳақда бўлди.

# Жамоат ташкилотлари — етакчи куч

— Инкироз оқибатларига қарши дастур ижросини таъминлаш борасида қандай натижаларга эришилмоқда?

— Инкирозга қарши чоралар дастури доирасида вилоят ҳокимининг қарорига мувофиқ беш йўналишда чора-тадбирлар белгиланиб, унинг ижроси мунтазам назоратга олинди. Биринчи навбатда вилоятда молиявий ҳолатни соғломлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги иш жойларини яратиш бўйича фаолият олиб борилди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида 25 та коллеж ва 3 та мактаб қурилди, 87 та мактаб реконструкция қилинди ва 67 таси таъмирланди. Дастур асосида вилоятимизнинг 3 та туманида 60 та намунавий ўй-жой қурилиши туғулди. Бу ишларга 3,3 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инкирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича дастури бажарилишига кўмаклашиш борасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг тадбирлари асосида бирлашма кенгаши ҳам ўзининг чора-тадбирларини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ 2009 йилда бирмунча ишлар қилинди. Шунингдек, инкирозга қарши чоралар дастури бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

— Вилоятда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг II ва IV мажлислари қарорларига биноан нодавлат секторидagi қорхона ва ташкилотлар ходимларини касаба уюшмасига жалб этиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили 5442 нафар аъзони бирлаштирган 212 та янги касаба уюшма ташкилотлари тузилди. Фаолият кўрсатиб турганлари сафига эса 26627 нафар аъзо жалб этилди. Жорий йилда мазкур қарорлар ижроси назоратини янада кучайтириш чоралари белгиланган.

Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича виллоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг виллоят бошқармаси ҳамда виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида тузилган ҳудудий келишув асосида иш олиб борилмоқда. Янги иш ўринлари яратилишини мувофиқлаштирувчи комиссиялар таркибига киритилган таълим ва фан ходимлари шаҳар ва туман кенгашлари раислари виллоятда ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида иштирок этишди. 2009 йили ярмаркаларида 1526 та қорхона ва ташкилот 50026 та бўш иш ўрни билан иштирок этиб, унга 49835 нафар фуқаро жалб этилган бўлса, уларнинг 44260 тасига доимий ишга қўйлаштириш учун йўлланма берилди.

2009 йилда яратилган иш ўринларининг 12329 тасига меҳнат бозорига рақобатлаша олмайдиган шахслар жойлаштирилди.

— Касаба уюшмаларининг долзарб вазифаларидан яна нималарни тилга олган бўлардингиз?

— Ўтган даврда виллоят касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири банкрот бўлган қорхона ва ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Шу асосда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Самарқанд виллоят ҳудудий бошқармасидан ҳар чорак якунида касода учраган қорхона ва ташкилотларнинг рўйхати олинди, барча тармоқ кенгашлари ва вакилликлари таништириб чиқилмоқда. Олинган рўйхатларда касаба уюшмасига қабул қилинган ташкилотлар мавжуд бўлса, улар билан алоҳида иш олиб борилади. Жумладан, 2009 йили меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда 652 нафар фуқаро касб ўрганишга йўналтирилган бўлса, 2431 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Ўнлаб ходимларнинг иш ҳақи, 28 нафар ишлаб чиқаришда ноғиронликка чалинганларнинг тоvon пули ундириб берилди. Шу билан бирга, виллоятда меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини кучайтириш борасидаги ишлар бир мунча фаоллаштирилиб, бу борада кўрик-танловлар ўтказилиб келинапти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилётган ишларда хотин-қизлар ва ёшларнинг меҳнат, маиший шароитларини яхшилашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Шу билан бирга, виллоятда меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бўйича Самарқанд вилояти ҳокими, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси виллоят бошқармаси ҳамда виллоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида 2008-2010 йилларга мўлжалланган ҳудудий келишув ҳамда виллоятдаги турли бошқармалар ва туман бўлимлари билан ҳамкорликда 48 та тармоқ келишув қабул қилинган. Ҳудудий ва тармоқ келишувларидан ташқари 12976 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлиб, уларга асосан виллоят бўйича 489112 кишининг ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда.

Касаба уюшма кенгашлари ва вакилликлари меҳнатқашларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор берган ҳолда, ҳисобот даврида ариза билан мурожаат этган 2185 нафар фуқаронинг талабини қўриб чиқиб, 2034 та мурожаат ижобий ҳал этилди. 105 кишининг иш ҳақи ундириб берилди. Нокўнуний ишдан бўшатирилган 61 киши ўз ишига тикланди. Меҳнат муҳофазаси ва иш шароитига тааллуқли 21 та қонунбузарлик бартараф этилди.

«Ishonch» мухбири Нурулла ШАМСИЕВ суҳбатлашди

# Мақсадимиз — жисмонан бақувват,

Мамлакатимизда 2010 йилнинг Барқамол авлод йили дея номланиши беҳиз эмас. Бугунги кунда Қорақалпоғистонда ҳам барқамол авлод тарбияси йўлида яхши ишлар қилинмоқда. Биринчи навбатда барча қўлайликларга эга спорт иншоотлари бунёд этилишига эътибор қаратилаяпти.



## 34 олтин, 30 кумуш, 36 бронза

Қорақалпоғистонлик болалар 7 йилда жаҳон ареналарида шунча медалга эга бўлишди

Кейинги етти йилда республикада 72 та болалар спорт иншооти қурилди. Бунинг учун 14 млрд. 44 млн. сўм сарфланди. Натижада, энг чеҳка овуларда ҳам ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун имоният яратилди.

Спорт мажмуаларини керакли анжомлар билан таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Биргина Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан мазкур мажмуалар учун 837 млн. 400 минг сўмлик анжомлар ажратилди. Кам таъминланган оилалар болаларига жамғарма ҳисобидан 150 млн. 944 минг сўмлик спорт кийимлари ва сумкалари берилди. Меҳридор, элларвар тадбиркор ва фермерларимиз ҳам бу борада кўмакларини аяшмаяпти.

Олиб бораётган тадбирларимиз самараси сифатида элдошларимизнинг спортга муносабати ўзгарганини бизни хурсанд қилади. Қачонлардир «Нима қилсан тўннинг орқасидан югуриб, ундан кўра молларга қарасан-чи» дея фарзандига танбеҳ берган оталар бугун ўғил-қизларини ўзлари спорт мактабларига бошлаб келишаяпти. Фарзандларимизнинг эса шижоати баланд. Турли ареналарда маҳоратларини намойиш қилмоқда.

Хабарингиз бор, «Барқамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ аввало қишлоқларда болалар спортини жонлантириш, спорт иншоотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эндиликда спорт деганда фақат югуриш ёки футбол, волейбол ўйнашни тушунамаймиш. Каратэ, бокс, кикбоксинг, самбо, миллий кураш, стол тенниси, катта теннис, стритбол, ядро улоқтириш... Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бугуннинг болалари уларнинг устасига, телеочерк, газета ва журналлардаги мақолалар қарамонига айланмоқда.

Иқтидорли болаларни ихтисослашган спорт мактабларига жалб этиш, малакали мураббийлар сафини кенгайтириш борасида ҳам изчил ишлар амалга ошириляпти. Юрт байроғини Эркин Қўтибоев, Азамат Турданов ва Азат Ешатаев каби юксак кўтариш, «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод» мусобақалари ғолиби бўлиш иштиёқи болалар қалбини тобора кенгроқ чулғамоқда.

Қорақалпоқ ёшларининг спортга иштиёқи нақадар баландлигини исботлаш учун биргина далил келтирай. Бугунги кунда республика бўйича 260 мингга яқин ўғил-қиз спортга жалб этилган бўлиб, уларнинг 129 мингдан зиёди спорт билан мунтазам шуғулланиб келади. Айни пайтда шаҳар ва туманларда, таълим-тарбия муассасаларида 754 та спорт жамоаси фаолият кўрсатмоқда.

Яна битта мисол. Бултур Қорақалпоғистонда битта замонавий спорт мажмуаси, 14 та спорт зали бунёд этилди, битта ёлпқ сузиш ҳавзаси қоптил таъмирланди. 2010 йилда эса жамғарма томонидан 7 та иншоот қурилиши ва таъмирланиши режалаштирилган.

Бугунги кунда Халқ таълими вазирлигига қарашли 30 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва 7 та спорт мажмуасида 21 минг 935 нафар тарбияланувчи спорт билан шуғулланмоқда. Уларнинг 5 мингдан зиёди қизлардир.

Болалар спортини ривожлантиришда Нукусдаги 1-республика болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўрни беҳиёс. Бу ерда 400 га яқин ўғил-қиз 19 нафар тажрибали мураббий бошчилигида спортнинг саккиз тури бўйича маҳоратини оширмоқда. Улар орасида 20 дан зиёд халқаро мусобақалар ғолиблари бор.

Нукус яқинида жойлашган Қизкетган кўрғонидagi спорт мажмуаси эса 700 дан ортиқ йилгит-қизни бағрига олган. Бу ерда 20 дан ортиқ мураббий ёшларга сабоқ бермоқда.

Шаҳар ва туманларда, қишлоқларда спортнинг оммабоп турлари бўйича мусобақалар мунтазам уюштириляпти. Умумтаълим мактабларида ҳар чоршанба кун жисмоний тарбия бўйича очик дарслар ўтказиб келинган. 4—6-синф ўқувчилари ўртасида «Қўвнок стартлар» мусобақасини ўтказиш анибанага айланган.

Болаларимиз яратилган шароитга яраша истеъдодини намойиш этмоқда. Бангкок шаҳрида ўтказилган синхрон сузиш бўйича Таиланд очик чемпионатида Хўжайлидаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари Б.Каранаева ва К.Есте-месоова фаол иштирок этди. Италиянинг Безелуко шаҳридаги академик эшак ашиш бўйича жаҳон кубогига ва Францияда ўтказилган жаҳон кубогига Е.Хамидуллаев ва А.Узоқбоев эртимиз шаънини ҳимоя қилишди. Улар Москва шаҳрининг очик биринчилигида олтин медалга сазовор бўлишди.

Деҳлида ўтказилган шахмат бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионатида юртимиз шаънини ҳимоя қилиш Тахитовшадги 3-БўСМ тарбияланувчиси Бибибора Қосибековага насиб этди.

Умуман, қорақалпоғистонлик ёш спортчилар сўнгги етти йилда халқаро мусобақаларда 34 та олтин, 30 та кумуш, 36 та бронза медалини қўлга киритишди.

Яқинда эса жамғарма соврини учун «Баҳор маликалари — 2010» мусобақасининг Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти ҳудудий босқичи юқори савияда ўтказилди. Унда 180 нафар спортчи киз маҳоратини намойиш қилди. Нукус шаҳри жамоаси биринчи, Хоразм-1 жамоаси иккинчи, Хўжайли тумани жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди. «Баҳор маликаси» номига Нукусдаги 9-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Алфия Қонисбоева сазовор бўлди.

Бугун қорақалпоқ болаларига қараб юртимизнинг келажаги порлоқлигини, мамлакатимиз ҳали ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этишини кўз олдимишга келтириш мумкин.

**Бухарбай ҚАЛАБАЕВ,**  
Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирининг ўринбосари,  
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори

## Қорақалпоғистон

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси Рустам Абдурахмоновдан болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури доирасида республикада амалга оширилётган ишлар ҳақида сўраганимизда у киши шундай деди:

## Шароит ва

— Дастур доирасида 18 та болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши режалаштирилган. Минг марта эшитилган бир марта кўрган афзал. Янги йил арафасида шу дастур асосида Тўртқўлдаги 3-ВМСМ реконструкция қилиниб, жиҳозлар билан таъминланди.

Мактабга киришингиз билан Европа талаблари даражасида таъмирланган мактабнинг де-

ворларида акс этган фаолиятга доир лавҳалардан кўз узоқмайсан киши.

Мактабнинг эски ва ҳозирги кўриниши акс этган лавҳалар дўқратимизни тортиди.

— Мактабимиз 1955 йилда ташкил топган. Авваллари 3-4 ўқитувчи 30-40 ўқувчи фортепиано, баян, аккордеон мутахассисликлари бўйича дарс берган бўлса, энди 151 ўқув-

## Соғлом миллат кафолати

Қорақалпоғистонда спортни ривожлантириш, аҳолини спортга кенг жалб қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бугун Оролбўйида 34 та спорт федерацияси фаолият кўрсатади. Спорт иншоотлари сони эса 3327 та бўлиб, уларнинг 14 таси стадион, 662 таси спорт зали, 1 таси манеж, 3 таси бассейн, 1 таси тир, 2647 таси спорт майдончаларидир. Уларнинг барчаси зарур анжомлар билан таъминланган. Мухими, бу иншоотлар ҳар доим гавжум. Буни рақамларда қўйидагича ифода-лаш мумкин: республикада жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони 382196 кишини ташкил қилади. Уларнинг 182777 таси қизлардир.

Фарзандларимизнинг саломатлиги, комил инсон бўлиб вояга етishi учун ҳар қанча гавжумлик қилсан арзийди. Уларни спорт мактабларига жалб қилиш бугунги кунда ана шу гавжумликнинг бир кўриниши сифатида намойён бўлмоқда. Республикада Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 4 та, Халқ таълими вазирлигига қарашли 28 та, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига қарашли 1 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатади. Уларда ишлаётган ходимларнинг 2156 нафари олий, 1326 таси ўрта махсус маълумотга эга. А.Нуруллоев, М.Қазақов, А.Шаршендизе каби мураббийлар ўнлаб мохир спортчилар, чемпионлар ештириб беришга муваффақ бўлди.

Албатта бу спортнинг оммавийлигини таъминлашда камлик қилади. Шу боис республикада малакали мураббийлар тайёрлаш масаласига янада чуқурроқ ёндашилмоқда. Қорақалпоқ давлат университети ва Нукус давлат педагогика институтидagi жисмоний тарбия факультетлари жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлашга ихтисослашган. Эндиликда мураббийлар тайёрлашни кенг йўлга қўйиш мақсадида Нукусда Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг филиалини ташкил қилиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.


Мен шу ўринда аҳолининг спортга эътиборини ошираётган яна бир жиҳат — профессионал спортчиларимиз эришяётган ютуқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Спортчиларимизнинг жаҳон ареналарида эришяётган ютуқлари қувонарлиқдир. Муайтайда Эркин Қўтибоев, Азиз Эшнинязов, Ислам Асенбоев, Нурман Алламбергеновлар жаҳон ареналарида энг баланд кўрсаткичларга эришган бўлса, бундай муваффақиятга эркин курашда Пўлат Урозимбетов, Фарход Урозимбетов, Баҳром Эрматов, Уайс Тлеғеновлар эришишди. Оғир атлетикачиларимиз Мансур Чашеменов, Баҳром Мендибоев, Бобомурод Чашеменов, Шухрат Шомуродовлар ҳам бир неча бор Осиё кубогини қўлга киритишган. Каратэчи Асия Қўтлимуратова, Замира Алиева, ушучи Нулжамол Отуевлева, курашчи Умида Матқубоваларнинг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқ.

Умуман, қорақалпоғистонлик 60 га яқин спортчи жаҳон ареналарида 80 га яқин галабани қўлга киритди. Бу кўрсаткичларни янада ошириш, аҳолини спортга кенг жалб қилиш борасидаги изланишларимиз давом этади.

**Давлатмурат ҚАЛХОРОЗОВ,**  
Қорақалпоғистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари

# Зулфияжонимнинг қорақалпоқ қизи

Зулфия номидаги давлат мукофотининг 2010 йилги совриндорлари орасида Қорақалпоғистон ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Айнура Сапекеева ҳам бор.



Пўлат ака қизи Айнурадаги истеъдод уқунларини эрта англади. Қизалоқ кўлга расм дафтар теғди дегунча уни янги тасвирлар билан тўлдириб ташларди. Бу тасвирларнинг жонлидай чиққанлиги отани тўлкинлантирар, ич-ичидан қизи билан фахрланарди. Истеъдодга қанот бағишлаш ниятида Нукус шаҳридаги 3-умумтаълим мактабидa таълим олаётган қизалоқ Қорақалпоғистон ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатига бошлаб келишди.

Айнура бу ердаги талабчан устозлар имтиҳонидан муваффақиятли ўтди. Унинг истеъдодини кўрган мураббийлар рангтаъсир санъатида янги юлдуз порлаётганини илғашди.

Тез орада устозларнинг умидлари ушала бошлади. Айнуранинг муваффақияти ҳақидаги хушxabарлар махсус мактабда овоза бўлди. Айнура «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида ғолиблар сафидан жой олибди деган хабар тарқалди. Бердақнинг 180 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Қорақалпоқ саҳросининг булбули» кўргазмасида муваффақиятли иштирок этган қиз нафақат устозлар, тенгдошларининг ҳам ифтихорига айланди. «Жеткиншек» газетаси уюштирган «Инсон манфаатини ҳимоялаш — савобли иш», «Биз бахтли ёшларимиз», «Камолот» ЕИҲ ўтказган «Ешлар бизнинг келажакимиз» номи таъновларда совринли ўринларни эгаллаш қизалоқнинг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Айнура ўз истеъдоди орқали юртбошимизнинг «Биз ҳеч қимдан кам эмас-

миз ва кам бўлмаймиз» деган гапини Хиндистонда ўтказилган «Шанкар — 2007» халқаро болалар расмлари танловидa «Кумуш» танга, 2008 йили Японияда бўлиб ўтган 11-халқаро болалар расмлари кўргазмасида «Гортензия» олтин сertiфикати, 2009 йили Тошкентда ўтказилган 2-халқаро болалар расмлари биенналесидa «Мусика» деб номланган расми учун диплом ва олтин медални қўлга киритиб исботлай олди.

Айнура шу кунларда битирув иши устидa ишламоқда. Бу қорақалпоқ ботири Ерناзар Алақузининг портрети-дир.

— Кўп сурат чизганман. Лекин ҳеч қачон мени ҳозиргидай ҳаяжон қоплаган эмас. Назаримда, буюк халқ фарзандининг руҳи мени кузатиб тургандай. Асарни яратишдан олдин у киши ҳақидаги ўнлаб бадий, илмий рисо-

ларини мутулаа қилдим. Устозларимиз яратган портретларни кузатдим.

Еш расмом ҳақида устозлари илиқ фикрларни билдирди.

— У нафақат истеъдодли, балки билимга чанқоқ ўқувчиларимиздан, — дейди санъат мактаб-интернати директори М.Бердимбетов. — «Камолот» бошланғич ташкилотининг ижодкор ва истеъдодли ёшлар гуруҳи сардори сифатида тенгқурларини ҳам истеъдодини янада кенгроқ намойён қилишга ундаб келмоқда.

Айнуранинг орзулари мўл. Изланишларини давом эттириш, юртнинг севимли қизига айланиш, юртимиз табиатини, элдошларимиз хабтини акс эттирувчи суратлар чизиш...

Интилганга толе ёр, дейди халқимиз. Айнуранинг ҳам орзулари ушалишига ишонамиз.

Маънан етук ва комил инсонни тарбиялаш

Республикаси

чига 17 мутахассислик бўйича 25 нафар ўқувчи сабоқ бермоқда. Ушбу ўқувчиларнинг 16 нафари мактабнинг сабоқ ўқувчиларидир, жумладан, ўзим ҳам, — дейди мактаб директори Мақсуд Табаев. — Дас-

хореография, тасвирий санъат, зарбли чолғу синфлари очилди. Умуман, мактабда 465 млн. сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди. Биз жамоа эришаётган ютуқ-

совриндор бўлганлиги ҳақидаги хушxabарлар кўнглимизни тоғдек кутарди.

Бизни хушнуд қилган яна бир жиҳат аксарият синфларда машхур санъаткор бўлиб етишган сабоқ ўқувчилар ҳақидаги лаҳзалар бўлди.

Директор бундан кейин эришилаётган ютуқлар янада улкан бўлажагини эътироф этди.

— 36 йилдан буён таълим тизимида ишлайман. 18 йилдан бери мактаб директори-ман. Мактабимиз бугунгидай кўшонага айланиши мумкинлиги етти ухлаб тушимга кирмаган. — дейди Мақсуд Табаев.

— Давлатимизнинг гамхўрлигини, ишончини Ўзбекистон санъати ва маданияти ривожига улус қўшувчи, санъатимиз довуригини дунёга дoston қилувчи ёшларни тарбиялаш орқали оқлашга ҳаракат қила-

Қўллари юлдузга етган болалар

Корақалпоғистондаги 2-республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиларини шундай атасак, муболага қилмаган бўламиз.

Мактабимиз 2006 йили декабрда ташкил қилинган, барча қўлайликларга эга. Хозир 898 та болага 26 нафар мураббий спортнинг ўн тўрт тури бўйича сабоқ беради.

Уттан уч йил давомида ўқувчиларимиз республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда 100 га яқин медалини қўлга киритди.

Эътироф этишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат мураббийлар ва тарбияланувчилар орасида қизлар сони ортиб бораётганлигидир.

Спорт устаси, бадий гимнастика бўйича мураббий Нигора Полвонова, волебол мураббийлари Мақсуда Йўлдошева, Дилбар Халиллаева, енгил атлетика мураббийи Галина Жолесникова ва фидойиллиги тўғрисида шогирдлари мактабимиз обрўсини ошириш келмоқдалар.

Муротхўжа ҚАЗАЕВ, 2-республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

ИМКОНИЯТ

тур ижроси айнан бизнинг мактабимиздан бошланганидан бениҳоя мамнунимиз.

Директор бизни янгиланган мактаб билан таништирган экан, ҳаяжон билан ҳикоясини давом эттирди:

— Мактабимизда аънавий хонандлик, аънавий ижрочилик, миллий эстрада хонандчилиги, зардўзлик, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги,

лар билан ҳам қизиқдик. Муҳиддинқори Ёқубов номидаги танловда Фаррух Айимбетов мақом, Дилшод Абдуллоев бахшичилик, Шерзод Рейимбоев аккордеон, Шерзод Матжонов қашқар рубоби, Ойгул Нуруллаева мақом жанри бўйича голиблар сафидан жой олганлиги, Фаррух Айимбетов «Ягонасан, муқаддас ватан» танловининг сўнги босқичида

Янги йил арафасида қорақалпоқ хонандаси Караматдин Хитжанов Кишинёвда ўтказилган эстрада қўшиқлари халқаро танловига иштирок этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди. Молдованинг «Vlate Mat» журналида Караматдин хонандаси мақола чоп этилиб, унда ёш хонанданинг истеъдодига улкан баҳо берилди. Ушбу танлов таассуротлари ҳақида Караматдин шундай дейди:

Овозимиз дунёни тутсин

— Аввало бу танловга қандай бориб қолганим ҳақида гапириб берсам. 2007 йили Москвада яшовчи қорақалпоқлар мени Наврўз тангаларига га таклиф қилишди. У ерда кўплаб элдошларимиз билан танишдим. Кейинроқ уларнинг таклифи билан Москва давлат университети санъат саройида концерт бердим.

Караматдиннинг қўшиқларини мириқиб тинглаганлар орасида университет ректори Дмитрий Козлов ҳам бор эди. У концертдан сўнг Караматдин билан суҳбатлашиб, унда қорақалпоқ қўшиқлари катта таассурот қолдирганини айтиб, миннатдорчилик билдирди.

Концертдан кейин менга элдошларимиз ноябр ойида Кишинёвда машхур хонандалар Дойна ва Иона Теодоровичлар хотирасига бағишланган халқаро танлов бўлиши ҳақида айтишди. Шу танловда истеъдодимни намойиш қилишга ундашди. Уларнинг қистови билан Кишинёвга бориб, концерт продюсери Евгения Урсу билан учрашдим.

Концертда Караматдин Теодоровичлар репертуридан «Фукулдин барде» молдавон қўшигини ва «Гўрғули» достонидан «Нигорим» қўшигини ижро этди.

Халқ оғзаки ижодининг ноёб намунасини танлаб адашмаган эди. Бутун залдагилар рақсга тушди. Молдавонлар Караматдиннинг узлуксиз қарсақлар ва кучоқ-кучоқ гуллар билан олқишлашди.

Янги йил бошида эса Караматдин Хитжановни нўғайлар учун концерт беришга таклиф қилишди. У каби истеъдодларимиз бор экан, юртимизда санъат, маданият янада тараққий этиши аниқ.

— Қай саҳнада куйламай, аввало, кўз олдимга она тулпарим, отанам, устозларим, рафиқам, фарзандларим келди. Мен доим шу юрт фарзандлигимдан фахрланаман. Бу эса мени баралла куйлашга ундайди, — дейди Караматдин Хитжанов.

К.ЕСЕМУРАТОВ


Баҳром Анталияга кетаяпти

Корақалпоғистон қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан болалар спортини ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қасаба уюшмалари қошидаги кўп тармоқли спорт мактабида 307 ўқувчи таҳсил олади. Уларга ўз касбининг устаси бўлган 13 нафар мураббий сабоқ беради. Мактабда ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Шу боис улар республика ва жаҳон ареналарида қатор ютуқларни қўлга киритмоқда.

Дейлик, бултур кузда Чирчиқда ўтказилган оғир атлетика мусобақаларида қизларимиздан К.Пердебаева ва Г.Нурлибаевалар ўз вази бўйича учинчи ва иккинчи ўринни эгаллашди. Эрақлар ўртасидаги баҳсларда эса 69 кг. вазн тоифасида Баҳром Менгдибоев чемпион бўлиб қайтган ва халқаро тоифадаги спорт устаси нормативини бажарганди. Айнан шу мусобақада Евгений Нурев 110 кг. вазнда 3-ўринни олишга муваффақ бўлди. Шу кунларда Баҳром Анталияда бўладиган мусобақаларга тайёргарлик кўрмоқда.

Тошкент шаҳрида оғир атлетика бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида мактабимиз ўқувчиси Раҳима Матёқубова 48 кг. вазнда иштирок этиб, иккин-

чи ўринни қўлга киритди. Натижада, Дубайда ўтказилган Осиё биринчилигида Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилиш шарафига мундасар бўлди.



Таъкидлаш жоизки, Раҳима ва Баҳромнинг муваффақияти мураббий ва ўқувчиларни янги ютуқларга руҳлантиряпти. Бу йил февралда ўтказилган Қорақалпоғистон чемпионатида оғир атлетикачиларимиз 3 олтин, 2 кумуш, 2 бронза медалини қўлга киритди.

Футболчиларимиз оғир атлетикачиларнинг муваффақиятини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Футбол бўйича Хоразм вилоятида ўтказилган мусобақада шогирдларимиз 2-ўринни эгаллаб қайтди. Қорақалпоғистонда ташкил қилинган кузги ўйинларда мактабимизнинг «Жайхун» командаси голиблар сафидан жой олган бўлса, қишки мусобақаларда «Бойтерак» командамиз иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Яқинда Қорақалпоғистон миқёсида пауэрлифтинг бўйича мусобақа ўтказилиб, унда ўқувчиларимиз 7 олтин, 5 кумуш, 5 бронза медалини қўлга киритишди.

Эркин кураш бўйича мусобақаларда эса 3 олтин, 3 бронза медалини олишга муваффақ бўлдик.

Шу кунларда мактабимизда медалларни янада кўпайтириш борасида изланишлар давом этмоқда. Қасаба уюшмаларининг гамхўрлигига яраша юқоридагиданда юксак натижалар билан жавоб қайтариш бизнинг бош мақсадимиздир.

Мурот АМЕТОВ, Корақалпоғистон қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги БЎСМ директорининг ўринбосари

Нафосат маликаси



Бугун Қорақалпоғистонда бадий гимнастикани ривожлантиришга катта эътибор қаратишмоқда. Турли семинарлар, танловлар мунтазам ўтказиб келинаётир. Бадий гимнастика ривожига баракали улуш қилиб келаятган мураббийлардан бири Гулбахор Бобоновадир.

Гулбахор спорт билан шугулланишини тўрт ёшида бошлаганиди.

— 1985 йили Қорақалпоғистонда биринчи марта бадий гимнастика тўғрисида ташкил қилинди ва мен шу тўғрарқнинг илк аъзоларидан бирига айлан-дим, — дея хикоя қилади у. — Гимнастика сирларини бизга Юлия Янер ўргатган. Бу спорт турининг нафислиги мени мафтун айлаган. Ўқувчилик йилларимизда мамлакат чемпионатида иштирок этиб, 3-ўринга сазовор бўлдим. Мана шу муваффақиятим келажимни нақд қилиб қўйди.

Корақалпоқ давлат университетининг жисмоний тарбия факултети таълимчи Гулбахор 4-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳамда олимпия закиралари коллежида ёшларга бадий гимнастика сирларини ўргатиб келмоқда.

Хар гал шогирдлари эришаётган муваффақиятга гувоҳ бўлганида Гулбахорнинг ҳаяжон чулғайди. Республика чемпионатида уч марта голиб бўлган Юлия Ким, «Умид

ниҳоллари-2006» мусобақасида 3-ўринга сазовор бўлган Дилноза Жўлдосбоева, бир неча мусобақада голиб чиққан Улсора Ембергенова билан фахрланади. Мураббий сифатидаги меҳнати маҳсулини 10 йиллик фаолияти давомида ўндан зиёд спорт усталигига номзод, 20 га яқин 1-разрядли спортчи ва ўндан ортқ разрядли спортчиларни етиштирганида куради. Аслида, ундан спорт сирларини юздан зиёд қиз ўрганган.

— Бугунги кунда бадий гимнастикани рақс санъатида янада яқинлаштириш тажрибалари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан бадий гимнастикада қўлланадиган янги услублар ишлаб чиқилган бўлиб, айни пайтда уларни мураббий ва шогирдларга ўргатиб келмоқдамиз, — дейди Гулбахор.

Яқинда Қорақалпоғистонда бадий гимнастикани янада ривожлантириш мақсадида спорт ва умумтаълим мактабларида янги туркумдаги инвентарлар етказиб берилди. Демак, Оролбўйида нафосат маликалари сафи янада кўпайди.

Илмни асрабон нетгумдир охир?

Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш қабирид деган гапни отанамдан, кейинчалик устозлардан кўп эшитганман. Хозир университетнинг ҳуқуқшунослик факултети тўртинчи босқич талабасиман. Мамлакатимиздаги кўплаб газета ва журналларда мақолаларим чоп этилган.

2009-2010 йили Навоий номидаги стипендияга сазовор бўлганим мени янги изланишларга ундади. Фанларни чуқур ўзлаштириш, танлаган соҳамга тааллуқли китобларни мутулаа қилиш билан бирга адабиёт ва санъат дурдоналаридан ҳам баҳраманд бўлишим кераклигини англа-дим. Аниқроқ айтсам, ҳазрат Навоийнинг асарлари мутулаасига шўнғидим. У кишининг бетақдор мисралари орасида:


«Хунарни асрабон нетгумдир охир, Олиб туфроққа му кетгумдир охир?»

— деган сатрлар бор. Биз яратилган имкониятга жавобан илмимиз билан юрт тараққийига ҳисса қўшамиз.

Мансур РЎЗИМОВ, Корақалпоқ давлат университети талабаси

Каратэ нафақат кишини жисмонан, балки руҳан ҳам чиниктиради. Спортнинг бу тури билан шугулланганлар юксак маънавият соҳибларига айланишини қорақалпоғистонлик ёш спортчи Алибек Ибрайимов мисолида кўриш мумкин.

Ўзликни англаш воситаси



Алибекдаги иштиёқни кўрган отанаси уни Қорақалпоғистон каратэ федерацияси раиси Ҳамидулла Қалимбетовнинг ҳузурига бошлаб келишди. Ҳамидулла оға унинг илк ҳаракатлариданоқ бу бола келажакда юртимиз байрогини банд қўтара олиши мумкинлигини англаб етди.

— Спортнинг бу турини танлашимга сабаб у кишининг руҳий қувватини оширишидир. Каратэ менга ўзликни англашга ёрдам бермоқда, — дейди Алибек.

Бир неча марта Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон чемпиони бўлган ёш спортчи бултур Ўзбекистон шотокан-каратэ-до терма жамоаси таркибиде Японияда бўлиб ўтган 9-жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этди. Дастлабки беллашувларда эронлик ўйинчи устидан галаба қозонди. Кейин эса озарбайжон, япон, рус каратэчилари устидан галаба қозонди. Финалда эронлик спортчига ютқазиб, иккинчи ўринни эгаллади.

— Бу жаҳон ареналаридаги ютуқларимнинг дебачаси бўлади, — дейди Алибек. — Насиб қилса, яна ўнлаб медалларни қўлга киритишга ваъда бераман.

Кўшаҳифани «Ishonch» муҳбири Муҳаббат Тўрабоева тайёрлади.

«Фузор» нимстанциясида «Сурхон» нимстанциясигача узунлиги 197,8 километрга тенг юқори қувватли электр узатиш линиясининг барпо қилиниши мамлакатимиз жаҳонда яшовчи аҳолини электр энергияси билан ишончли таъминлаш ва минтақада иқтисодийнинг янада ривожланиши учун пухта замин яратиш баробарида Ўзбекистонда ягона электр тизимини ташкил этишни асосан яқунлаш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш имконини берди.

«FUZOR-SURXON»

ЮҚОРИ КУЧЛАНИШЛИ ЭЛЕКТР УЗАТИШ ЛИНИЯСИ

«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компаниясидан олинган маълумотларга кўра, 2009 йилда энергетика хабарсизда турли манбалар — компаниянинг ўз ресурслари, хорижий кредитлар ва Ўзбекистон тиланиши ва тараққийет фонди маблағлари ҳисобидан бир қатор муҳим инвестиция лойиҳалари ҳаётга таътиб этилди. Ушбу лойиҳалардан бири доирасида Фарғона водийсида трансформатор қуввати 1002 минг киловольт-амперни ташкил қиладиган «Ўзбекистон» нимстанцияси фойдаланишга топширилиб, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясидан узунлиги 169,4 километрга тенг 500 киловатли ва «Ўзгарич» нимстанциясигача узунлиги 8,4 километрга тенг 220 киловатли ҳаво линиялари тортилди. Ўз навбатида Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятлари ҳудудиде узунлиги салкам 200 километрдан иборат 500 киловатли «Фузор-Сурхон» ҳаво линиясининг барпо қилиниши ҳам стратегик аҳамиятга эга бўлиб, унинг ишга туширилиши Сурхон воҳисиде электр таъминоти сифатини юксалтириш ва жанубий йўналишдаги экспорт миқдорини ошириш учун барча зарур шароитлар яратди. Қолаверса, мамлакатимизнинг Марказий Осиё бирлашган энерготизимидан чиқиб, мустақил энергетика тизимига эга бўлиши учун жуда муҳим бўлган вазифасини бажарди.

Албатта, ушбу стратегик лойиҳани амалга ошириш учун энергетикаларга, биринчи навбатда, катта миқдорда маблағ, бундан ташқари кудратли техника, ноёб материаллар, замонавий жиҳоз ва асбоб-ускуна ҳамда юқори малакали кадрлар зарур бўлди. Зеро, умумий қиймати 128 миллион долларга тенг маъжур лойиҳа доирасида «Фузор» нимстанциясидан «Сурхон» нимстанциясигача ўртача хар 300-500 метр оралиғида, мустаҳкам пойдеворлар устига юзлаб таъин устунлари ўрнатилиши ва улар узра оғирлиги 120-150 тоннага тенг электр симлари тортилиши лозим эди. Бу мураккаб вазифалар асосан тоғолди ва тоғли ҳудудларда, хусусан, тик жарлик ва улкан қоялар, қияликлар шароитида бажарилганини ҳисобга олсак, «Фузор-Сурхон» юқори қувватли электр узатиш линиясининг бунёдкорлари — «Электротармоқчилик» акциядорлик жамияти ва бошқа махсус курилиш-монтаж корхоналарининг ишчи ва мутахассислари нақадар катта ҳаёт ва тажрибага эга эканлиги аён бўлади. Масалан, ушбу линиянинг 361-пикетида иш олиб борган қурувчи-монтажчиларнинг таъкидлашича, у ерда таъин устунини ўрнатиш учун улар олдин тоғни портлатиб, кейин вужудга келган майдонда текислаш ва кенгайтириш ишларини олиб боришган, сўнгра «Коматцу» русумли тягачлар ёрдамида ўн тонналаб оғирлиқдаги пойдевор-ассо-ларни юқорига олиб чиқишган ва уларни мустаҳкам ўрнатиб, устида «опора»ларни йиғиб, монтаж қилишган. Юқори қувватли электр узатиш линиясининг бошқа бир участкасида эса симни 730 метргача пастга туширишга тўғри келган ва бу иш Италиядан махсус келтирилган аппаратлар ёрдамида амалга оширилган.

Энергетика соҳасидаги бу улкан курилиш нафақат Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида, балки чет эллик энергетикалар ва санаятчиларнинг ҳам эътиборида бўлди. Масалан, бир пайтлар Амур ва Об дарёлари устидан тортилган ҳаво линиялари учун зарур материаллар етказиб берган Россиядаги Жанубий Урал арматура-изоляция воситалари заводининг раҳбарияти «Фузор-Сурхон» линияси устунлари учун металлдан ясалган турли эҳтиёт қисмлар, шу жумладан, катта оғирлиқдаги симларни кўтариш учун мўлжалланган махсус — обкашсимон арматуралар («тяжёлонагруженные коромысла») жўнатилганлигини маълум қилар экан, ўзбекистонлик ҳамкорларнинг бу буртмаси ўз вақтида ва сифатли бажарилганлигини фахр билан кайд этади. Россияда яна битта — «АББ электросвязь» компаниясининг маркетинг ва савдо бўйича директори эса «Фузор-Сурхон» линияси барпо этилишини жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида МДҲ миқёсида энергетика соҳасида амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан бири сифатида эътироф этди. Ваҳо-ланки, мамлакатимиздаги электр тармоқлари бунёдкорлари бир вақтнинг ўзида бошқа улкан ишшоотларда ҳам иш олиб боришди. Бунинг устига бу курилиш учун зарур кўплаб материаллар — сим ва кабел маҳсулотлари, реле-панеллар ва бошқа маҳсулотлар маҳаллийлаштириш дастури асосида юртимиздаги санаят корхоналарида ишлаб чиқарилиб, шу орқали минглаб кишилар қўшимча иш ва даромад манбаи билан таъминланди.

«Ўзбекэнерго» ДАК маълумотларига қараганда, мuddати-дан анча илгари, аниқроғи, дастлаб белгилангандек 30 ойда эмас, балки 17 ойда амалга оширилган бу стратегик лойиҳа доирасида электр узатиш линиясини тортиш билан бир қаторда Сурхондарьдаги нимстанцияда қуввати 501 минг киловольт-амперни ташкил қиладиган иккинчи трансформатор ҳам ўрнатилиди. Шу тариха ушбу энергетика иншооти-нинг қуввати икки баравар ошиб, Сурхондарьда кўплаб кич-кик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва ҳатто жуда кўп миқдорда энергия талаб қиладиган санаят корхоналарини куриш учун ҳам мустаҳкам замин ҳозирланди. Яъни, янги — Тошгузар — Бойсун — Қўмўрғон темир йўли минтақада иқти-содийнинг барча тармоқлари тараққий этиши учун қулай имкониятлар яратган бир пайтда «Фузор-Сурхон» электр узати-ш линияси бу имкониятларни янада кенгайтирди.

Шу билан бирга, маъжур линия энергетика соҳасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва Ўзбекистоннинг Афғонис-тонда тинчлик ўрнатишга қўшаётган ҳиссасини юксалти-ришга ҳам ҳизмат қилмоқда. «Фузор-Сурхон» 500 киловат-ли ҳаво линиясининг фойдаланишга топширилганидан сўнг атиги бир ой ўтгач, яъни 2010 йилдан бошлаб бу линия лойиҳа қувватиде ишлаб бошлаганлиги ҳам бунга тасдиқ-лайди. Энди у ва сал олдинроқ «Ўзбекэнерго» компанияси томонидан барпо қилинган 43 километрик «Сурхон-Ҳай-ратон» линияси орқали ёрдамга муҳтож қўшни мамлакатга аввалгидек 25 мегаватт эмас, балки 6 баравар кўп — 150 мегаватт миқдордаги электр энергияси экспорт қилина-пти. Айни пайтда мамлакатимиз энергетика соҳасида «Сир-дарё ИЭС — Сугдиёна нимстанцияси» 500 киловатли ҳаво линияси, Тошкент шаҳри ташқи электр таъминоти объек-тлари, «Иштихон» нимстанциясини барпо қилиш каби лойи-ҳалар амалга оширилиб, Талимаржон ИЭСда детандер-ге-нераторлар ўрнатиш ва иккита бу-ғ-га қурилмасини бунёд этиш ҳамда турмушимизни янада фаровон қилажак яна бир қатор истиқболли лойиҳалар устида иш олиб борилаёпти.

Ботир ТЕМИРОВ, журналист

Тошкент вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бир-лашмаси кенгаши жамоаси бирлашма кенгашининг ташки-лий ишлар бўлими мудири Мирзақарим Худдиёева қизи КАМОЛАНИНГ

бевақт вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради. Қашқадарь вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бир-лашмаси кенгаши ва тармоқ қасаба уюшмалари жамоаси вилоят бирлашмаси кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Абдураул Расулова қизи МАЙРИФАТИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Муҳбир шарҳи

Мулланафас Қодирберди ўғлининг 200 йиллигига

«Ўшқ, мулкининг шоҳи...»

Ўзбек ва туркман халқлари азалдан ери-ерига туташ, бир ариқдан сув ичиб, қиз бериб қиз олган қардошлардир. Бу ҳамкорлик уларнинг маданияти, адабиёти ва санъатида ҳам ўз аксини топган. Ўзбек шоирлари ёзган ғазалларни туркман ҳофизлари маромига етказиб ижро этган бўлса, туркман шоирларининг дostonлари ҳам халқимиз орасида машҳур бўлиб келган. Мулланафаснинг «Зухра-Тоҳир» дostonи шулар жумласидандир.

Туркман адабиётининг етук наомандаси Мулланафас Қодирберди ўғли туркий халқлар поэтикаси тараққиётига улкан ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг туркман афсоналари асосида яратилган «Зухра-Тоҳир» дostonи аъёнанавий эпик сюжет янги талқин қилинганлиги билан ажралиб туради. Тоҳир ва Зухра ҳақидаги қадимий эпик сюжет туркий халқлар орасида афсона, эртақ, дoston ва қисса тарзида кенг тарқалган. Халқимизда бу сюжет асосида яратилган 40 дан ортиқ эртақ ҳамда Ислom шоир, Хоним халфа, Раҳматулла Юсуф ўғли, Зоҳир Қўчқор ўғли каби бахшилар ижросидаги дoston вариантлари бор.

Улуғ туркман шоири Мулланафаснинг «Зухра-Тоҳир» дostonи халқ эпоси аъёнанагарига мос келиши, эпик мотивлар тизимининг мукамаллиги ва қаҳрамонлар тақдирининг ўзига хос ифодаси билан шу мавзудаги бошқа афсона, эртақ ва дostonлардан фарқ қилади.

Унинг «Зухра-Тоҳир» дostonи «Қўзи Қўрпеч ва Баян сулу» дostonи билан муштарак негизга эга. Осмон ёритқичлари ва юлдузлар билан боғлиқ мифлар таъсирида юзага келган бу ривоят XIV-XV асрлардаёқ афсона ёки эртақ сифатида оммалаша бошлаган. Дostonдаги қаҳрамонларга исми қўйилиши мотивида ҳам юлдузлар билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топган. Сюжетнинг архаик қатлами мифологик тасавурлар асосида келиб чиққан мотивлардан иборат. Қаҳрамонларнинг ҳомий-руҳлар мадади ёки аждодлар култи воситасида ғайриоддий тугилиши мотиви мифология асосида келиб чиққан. Асарда подшо билан вазираининг туши-

да чақалоқ ташлаб кетилиши ҳомий-аждодлар мададига ишониш билан боғлиқ мифларнинг эпик мотив сифатида ишланган шаклидир. Тоҳирнинг сувга оқизилиши қаҳрамоннинг «ўзга олам»га сафарини аңлатади. Сувда оқётган сандиқни кушлар илиб олиб, дарахтдаги инига олиб чиқиши эса қадимги туркийларнинг «ҳаёт дарахти» ҳақидаги мифологик тасавурлари асосида келиб чиққан эпик талқиндир.

Чунки архаик мифология талқини, «ҳаёт дарахти»нинг тепа қисми юқори олам — кўк билан боғлиқ бўлса, қуйи қисми сув, ер ости олами, яъни «зулмат дунёси» билан алоқадордир.

Мулланафаснинг «Зухра-Тоҳир» дostonида сандиққа солиб сувга ташланган эпик қаҳрамоннинг «оби одамлар», яъни «сув одамлари»га дуч келиши лавҳаси асарнинг бошқа версияларида учрамайди. Туркий халқлар мифологиясида «сув одамлари» ёки сув ичида яшайди деб тасаввур қилинган «оби одамлар» тўғрисидаги қарашлар кенг тарқалган. Суви ўзига макон қилган мифологик мавжудотлар тўғрисидаги афсоналар туркманларга ҳам маълум бўлган. Таниқли археолог олим М.Массон тадқиқотларида мариллик туркманлардан Мурғоб дарёсида яшовчи «сув одамлари» ҳақидаги мифик тасавурларни ёзиб қолдирган. Мулланафас Қодирберди ўғли тўхта-

миш уруғига мансуб Мари туркманларидан бўлганлиги учун шу ҳудудда тарқалган қадимги мифологик тасавурлар ва афсоналарни яхши билган. Бинобарин, «Зухра-Тоҳир» дostonини ёзиш жараёнида ҳам мариллик туркманлар фольклоридан самарали фойдаланган.

Мулланафас асарида ҳам Зухра ва Тоҳирнинг қабридан ўсимлик (дарахт) ўсиб чиқади. Бу эпик мотив одамнинг дарахт ёки ўсимликдан пайдо бўлганлиги ҳақидаги ана шундай қарашлар таъсирида шаклланган.

Дostonнинг яна бир фарқли жиҳати шундаки, бу асар Зухра билан Тоҳирнинг тирилиши ва бахтли ҳаёт кечирishi билан якунланади. Шоирнинг талқини, Исо алайҳиссалом билан ҳазрати Ҳизр Зухра ва Тоҳирнинг қабри ёнига келиб «Эй болаларим, бугун сизларнинг тўйингиз, туринглар!» деб кўздан ғойиб бўлишган, Зухра билан Тоҳир тирилади. Туркман фольклори аъёнанагарига библиан Мулланафас асар композициясига қаҳрамонларнинг қайта тирилиши мотивини олиб кириши уни мазмунан бойитган.

Эпик қаҳрамоннинг тирилиши мотиви «Қўзи Қўрпеч ва Баян сулу» дostonининг бошқирд, қозоқ ва олтой версияларида, ўзбек фольклоридаги «Гулзоҳ ва Варқа» дostonида ҳам учрайди. Шунингдек, «Тоҳир ва Зухра» дostonининг ЎзФА шарқшунослик институти фондида сақлана-



Ўзимизда ишлаб чиқарилган Баскетбол тўплари

Ўтган йил Андижондаги «Ўзтонгон» корхонаси қошида баскетбол тўплари ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилган эди.

Хорижда тайёрланаётган тўплардан фарқ қилмайдиган бу маҳсулотнинг 9 минг донаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан тарқатилди.

Ҳозирда маҳсулотнинг бир қисми Россия, Қозоғистон, Украина ва Белорус мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Бу йилдан бошлаб футбол, волейбол, катта теннис тўплари ишлаб чиқариш ҳам режалаштирилган.

2010 йил — Барқамол авлод йили

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси тасвирфидо 27 та болалар мусика ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бу ўқув масканларида 2905 нафар ўғил-қиз мусика, рақс, эстрада ва тасвирий санъат йўналишида таълим олади.

Болалар мусика мактабларида...

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

2009 йили Ҳўжаобод туманидаги 9-болалар мусика ва санъат мактаби реконструкция қилинди. Бу йил эса Андижон туман ва шаҳри, Жалақудук, Пахтаобод, Қўргонтепа туманларидаги 16-, 3-, 20-, 7-, 4- сонли болалар мусика ва санъат мактаблари янгидан чирой очади.

Қувонарлиси, эътибори ва гамҳўрлик бесамер кетмапти, ёш санъаткорлар Республика танловларида юқори ўринларни эгаллаб келаётти.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,

Mirzohid SODIQOV,

Normamat AIYAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysuluv NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzirimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A.Toshev

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhih:

N.Rahimova

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi: H.Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi

Korxonaning manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

Ishonch-dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. Mualliflar fikri bahriyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tjorat materiallari

Bosma topshiriq vaqti - 22.30. Topshirildi - 23.15

Byuromta Γ — 352

19324 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5

Варрак сайли

Кейинги пайтларда кўча-кўйда турли шакл ва рангдаги варраклар сотилаётганлигига кўп гувоҳ бўлаемиз. Уларнинг аксарияти хайвон ва қўшлар шаклида бўлиб, ўзимизнинг варракларга қизиқиш сусайгандек эди. Ахир варрак учирининггина эмас, ясаунинг ҳам ўзига хос гаши бор.

Шу каби халқ ўйинларида мужассамлашган қадриятларимизни тиклаш мақсадида Сирғали туман маданият ва истироҳат боғида болалар ўртасида варрак сайли ўтказдик. Болалар ўзлари ясаган варракларни осмонга учиритди.

Тадбир сўнггида болаларга Тошкент шаҳар савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшма кенгашининг дипломи ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Туманимизда шундай хайрли ишларни амалга ошириш аъёнанага айланган. Наврўз арафасида туман ҳокимияти, саховатли тадбиркорлар билан ҳамкорликда 60 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйи ўтказилди.

Шоира ШАМШИЕВА, Сирғали туман савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшмаси вакили



Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси

Тармоқ ходимларини ва халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан муборакбод этди. Уларга сиҳат-саломатлик, оилавий бехт тилайди!



Ўтган йили тармоқда ёлғиз кексалар, кам таъминланган фуқароларнинг 318 нафарига саломатликларини мустаҳкамлаш учун турли сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар берилди. 79 нафар ёш ишчи-ҳодимлар имтиёзли соғломлаштирилди. Меҳнатқашларнинг 6328 нафар фарзандлари ёзи соғломлаштириш оромгоҳларида хордик чиқаришди. 104 та ташкилотларда касабаси уюшма кўмиталари ташкил этилиб, улардаги 5592 нафар киши аъзоликка жалб этилди.

Билиб қўйган яхши

Бу ўсимлик бир неча ном билан юритилади: ҳушо, очамбити, жағжағ, чўпон халтаси (пастуция сумка), эшак қоқуси. Мевасининг шакли чўпон халтасини эслатгани учун ўсимлик шу номи билан ҳам аталади.

Жағжағ бир йиллик ўсимлик. Пояси битта, баъзан бир нечта. Илдиз олди тўп барглари тишсимон қиррали. Барглари майда, бандсиз бўлиб, поёда кетма-кет ўрнашган. Биринчи жаҳон уруши даврида унга қизиқиш яна ортган. Уша даврда гидростис номли ўсимлик бўлиб, қон оқизишни тўхта-тувчи дори сифатида кенг қўлданда ишлатилган эди. Шу ўсимлик ўрнига кейинчалик жағжағ ишлатилган.

Жағжағ — шифо

Жағжағ эндиликда бутун дунёга тарқалган. Бунга сабаб уруғи жуда кўп бўлади. Бир дона ўсимлик вегетация даврида халтасидан 64 минг уруғ беради ва шамолда тез тарқалади. Хитойда жағжағ 100 йилдан буён сабзавот сифатида экиб келинади. Хиндистонда бу ўсимлик қусишга қарши таъсия этилади. Қадимги Юнонистон ва Римда унинг уруғи турли хасталиқларга даво сифатида ишлатилган. Бу ўсимлик халқ табиоботи ва илмий тиббиётда қон оқизишни тўхта-тувчи восита сифатида қўлланилмоқда. Дамламаси ва суолтирил-



солин, ошловчи моддалар, органик кислоталар (олма, лимон), фитонцид ва кристалл моддалари бор. Ана шу моддалар бўлганлигидан ўсимлик бир талай хасталиқларни даволашда наф беради. Халқ табиоботида гастрит, меъда яраси, ичбуруғ, бўғим оғриқларида, баъзан юрак ва тано-

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос